


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД - 5230100 - 3.17

2016 йил "9" 01



БИЗНЕС РЕЖАЛАШТИРИШ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200000 - Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси: 230000 - Иқтисод
Таълим йўналиши: 5230100 - Иқтисодиёт (реал сектор)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” 01 даги “26”-сонли буйруғининг 02 -иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” 01 даги 1 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- М.Исаков – “Саноат иқтисодиёти” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди;
А.Ядгаров - – “Саноат иқтисодиёти” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

Такризчилар:

- Н. Рахматуллаев – “Ўзағромашсервис” уюшмаси “Иқтисодиёт, молия ва бухгалтерия ҳисоби” бошқармаси бошлиғи;
У. Сангирова – ТИМИ, “Агроиқтисодиёт” кафедраси муdiri, иқтисод фанлари номзоди, доцент;
М. Асқарова – ТДИУ, “Макроиқтисодиёт” кафедраси муdiri, и.ф.н., доц.

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “30” 11 даги “4” - сонли баённома).

КИРИШ

Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямиз ва Инкирозга қарши қабул қилган дастуризмизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта.

Талабаларга мазкур фан хусусиятлари доирасида пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндашишларини таъминлаш фанини ўрганиш олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Белгиланган ишлаб чиқариш фаолияти барча турдаги - моддий, меҳнат, молиявий ресурслар, шунингдек, ишлаб чиқариш қуввати билан таъминланиши зарур. Бизнес-режалаштириш юқорида айтиб ўтилган ва шу каби бошқа вазифаларни ҳал қилишга хизмат қилади. Бизнес-режа инвестицияларни асослаб берувчи умумлаштирувчи ҳужжатлардан дастлабкиси бўлиб, маҳсулотларнинг режалаштирилаётган номенклатураси ва ишлаб чиқариш ҳажми, сотув бозори ва хомашё базаси тавсифномаси, ишлаб чиқаришнинг ер, энергетика ва меҳнат ресурсларига эҳтиёжлари каби кўриб чиқилаётган лойиҳанинг тижорат, бюджет ва иқтисодий самарадорлигига доир тушунча берувчи бир қатор кўрсаткичлар ҳақидаги йириклаштирилган маълумотлардан иборат бўлади.

Фаннинг мақсади ва вазифалари

Фанини ўқитишдан мақсад-фанини ўрганишнинг асосий мақсади талабаларда бизнес-режани бизнес юритиш стратегияси ва тактикасини белгилувчи ҳужжат сифатида ишлаб чиқиши ва амалга ошириш бўйича билимлар мажмуини шакллантириш бўйича йўналиш ихтисослигига мос билим, кўникма ва малакани шакллантиришдир.

Фаннинг вазифалари-бизнес-режалаштириш, режалаштириш технологиясининг замонавий услублари ва амалиётини ўрганиш; бизнес-режанинг тузилмаси ва мазмунини белгилаш; бизнес-режа бўлимларининг режалаштириш услубларини ўрганиш; бизнес-режани илгари суриш механизминини ўрганиш; бизнес-режанинг самарадорлигини баҳолаш услубиятини ўрганишдан иборатдир.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Бизнес режалаштириш” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- бизнес-режа тузилмаси;
- корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- корхоналардаги мавжуд имконият ва муаммолар **ҳақида тасаввурга эга бўлиши**;

- корхоналарнинг ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш янги усуллари ва йўналишларини;

- корхонада ишлаб чиқаришни ташкил қилиш кўрсаткичлари даражасини ишлаб чиқиш ҳамда тадқиқот ва баҳолаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишни;

- режалаштиришни мукамаллаштириш бўйича вазиятли масалаларни ечиш; **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қоидалари йўналишлари; корхонани молиявий соғломлаштириш муаммоларини бартараф этиш;

- корхоналарнинг ишлаб чиқариш – молия фаолиятида қўллаш; корхоналарнинг хўжалик фаолиятини ўзгартириш соҳасида давлатнинг замонавий, иқтисодий ва ижтимоий сиёсати корхоналар микёсида амалга ошириш;

- умумбошқариш масалаларини қўйиш ва ҳал этиш **қўникмаларга эга бўлиши керак**;

- бизнес-режани тузиш усулларини ва режалаштириш технологиясини қўллаш; бизнес-режа ишлаб чиқиш;

- бозор имкониятларини баҳолаш; корхона ва маҳсулотни баҳолаш;

- бозорда маҳсулотнинг силжиш стратегиясини танлаш; ишлаб чиқариш режаси тайёрлаш;

- корхонанинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш;

- бизнес-режани амалга ошириш учун зарурий инвестициялар самарадорлигини баҳолаш **малакаларига эга бўлиши керак**.

Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Бизнес режалаштириш” фани йўналишнинг асосий фани ҳисобланиб, VI-VII семестрларида ўқитилади.

Бу дастурни амалда бажариш учун талабалар “Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодий таълимотлар тарихи”, “Микроиқтисодиёт”, “Статистика”, “Макроиқтисодиёт”, “Саноат тармоқлари технологияси”, “Корхона иқтисодиёти” фанларидан етарлича маълумотга эга бўлишлари лозим.

“Бизнес режалаштириш” фани “Саноат иқтисодиёти”, “Капитал қурилиш иқтисодиёти”, “Саноат маҳсулоти сифати ва рақобатбардошлиги”, “Саноатда илмий-техника тараққиёти иқтисодиёти” ва бошқа фанларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Айнан, режалаштириш ва башорат қилиш нимани, қанча, қачон ва қим учун ишлаб чиқариш керак деган саволларга жавоб топади. Хусусан, кўплаб корхона яратилиши ва фаолияти режалаштиришдан бошланади. Режалаштириш

мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари, рақобатли афзалликлардан максимал фойдаланиш, турли хато ва камчиликларнинг олдини олиш, иқтисодиётдаги янги тенденцияларни кузатиш ва улардан ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиш, корхона фаолиятининг кучсиз томонларини аниқлаш ва бартараф қилиш ҳамда асосланмаган таваккалчиликларнинг олдини олишга имкон беради. Шунинг учун ушбу фан ихтисослик фани ҳисобланиб ишлаб чиқариш технологик тизимининг ажралмас бўғинидир.

Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Бизнес режалаштириш” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ва макетлардан фойдаланилади. Маъруза, амалий ва лаборатория дарсларида мос равишдаги илғор педагогик ва ахборот технологияларидан ҳамда ўқув-услубий мажмуалардан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фан бўйича маъруза мавзулари ва уларнинг мазмуни

1-Модул. Бозор иқтисоди ва бизнес

Бизнес ва тадбиркорлик. Бизнес – бозор иқтисодиётининг уствор соҳаси. Бизнеснинг мақсади. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш. Ишлаб чиқаришда нодавлат секторнинг тутган ўрни. Бизнес ва аҳоли бандлиги. Иқтисодиётни глобаллаштириш ва илмий-техник тараққиётнинг ривожланиши. Кичик бизнеснинг ривожланиш кўрсаткичлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга доир Фармонлари ва Қарорлари. ЯИМ да кичик бизнеснинг улуши. Ўзбекистонда ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўзгартирган корхоналар. Корхоналарни молиявий барқарорлиги.

2-Модул. Бозор иқтисоди шароитида режалаштириш ва башоратлаш

Режалаштириш ва башорат қилиш тушунчалари. Корхона (фирма)да режалаштириш тизими. Нима ишлаб чиқариш, кимга ва қанча ишлаб чиқариш. Экстраполяция, мантиқий таҳлил, иқтисодий-математика, экспертли баҳолаш, корреляцион ва бошқа режалаштириш усуллари. Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштириш ва прогнозлашнинг объектив зарурияти. Режалаштириш ва прогнозлашнинг мақсади, функциялари ва вазифалари. Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари. Бир мақсадли прогнознинг вазифаси. Режалаштириш ва прогнозлашнинг норматив асоси. Норма ва норматив тушунчалари, асосий гуруҳлари ва ҳўжалик бошқарувида тутган ўрни. Норматив асоснинг

таснифланиши ва мақсадлари.

3-Модул. Корхона фаолиятида бизнес-режалаштириш

Корхона ва унинг ишлаб чиқариш фаолияти - режалаштириш объекти сифатида. Стратегик режалаштириш жараёни. Стратегик мақсадни танлаш. Стратегик мақсадларга таянган моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини шакллантириш. Илмий асосланган режалаштириш. Режалаштиришнинг иккита асосий муаммолари. Режалаштиришнинг миқдор ва сифат, ҳажм ва солиштирма кўрсаткичлари. Бозор муносабатлари шароитида корхона фаолиятини режалаштириш ва тартибга солиш. Тартибга солишнинг мақсадлари. Жорий фаолиятни тартибга солиш. Давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари.

4-Модул. Корхонанинг бизнес-режаси

Бизнес-режанинг функциялари бўйича иқтисодчиларининг турли қарашлари. Бизнес-режанинг моҳияти ва вазифалари. Бизнес-режаларнинг аҳамияти ва зарурияти. Бизнес-режа - янги бизнеснинг юраги, хўжалик бошқарувининг воситаси. Бизнес-режани тайёрлаш босқичлари. Бизнес-режанинг лойиҳа варианты. Бизнес-режани расмийлаштириш ва тасдиқлаш. Расмий ва ишчи бизнес-режа. Корхона миссияси. Корхона этикаси. Корхона танлаб олган кадрлар йўналиши. Бизнес-режа мақсадларини ишлаб чиқиш. Мақсаднинг бизнес тизимидаги бешта функцияси. Мақсадларнинг мазмуни ва шаклига қўйиладиган талаблар. Бизнес-режанинг ахборотлар манбаи. Бизнес-режа тузилмасини танлаш.

5-Модул. Бизнес-режанинг асосланганлиги ва ишончлилиги

Бизнес-режани ишлаб чиқишни бошқаришнинг зарурати. Бизнес-режани тузишда раҳбарнинг роли. Бизнес-режани ишлаб чиқиш муддатлари. Бизнес-режани ресурслар билан таъминланганлиги. Президент И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли асарда келтирилган ресурслар тежамкорлигини таъминлашнинг ўрни ва аҳамияти.

Корхона ходимларнинг малакаси ва касбий кўникмалар. Бизнесни суғурталаш. Бизнес-режа муваффақиятининг омиллари. Моддий ресурслар иқтисоди. Ресурс билан таъминлашда талаб қилинадиган билимлар. Ҳуқуқий таваккалчиликлар. Ишлаб чиқариш таваккалчиликлари. Маркетинг таваккалчиликлари. Молиявий, инновацион, ижтимоий таваккалчилик. Таваккалчилик оқибатларини объектив ўлчаниши ва қиймат баҳосига эга бўлишининг зарурати.

6-Модул. Корхона тавсифи

Бизнес-режа титул варағи. Бизнес-режанинг кириш қисми. Резюме. Корхонанинг тармоқдағи ва бозордағи ҳолати таҳлили. Тармоқни тавсифлаш. Тадбиркорлик фаолияти соҳасини танлашнинг асосий омиллари. Корхонани баҳолаш. Бозорни ва асосий рақобатчиларни таҳлил қилиш. Корхона тавсифномаси, SWOT- таҳлил. Корхона ва унинг рақобатчиларининг кучли ва заиф томонлари таҳлили.

7-Модул. Корхона маҳсулотини тавсифлаш

Маҳсулотнинг умумий тавсифи ва уни баҳолаш. Маҳсулотни баҳолаш усуллари. Маҳсулотнинг иқтисодий кўрсаткичлари. Товар қондирувчи эҳтиёжлар. Сифат кўрсаткичлари. Товарнинг ташқи безалиши. Экспорт кўрсаткичлари ва унинг имкониятлари. Маҳсулотни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Маҳсулот (товар) нинг ҳаётийлик даври кўрсаткичлари. Эҳтиёжларни қондириш воситаси. Бозорнинг асосий қонунлари. Бозорда рақобат ва рақобатбардошлик. Янги маҳсулотни тавсифлаш ва бошқа маҳсулотлар билан таққослаш. Патент ҳуқуқлари. Маҳсулотнинг кучли ва заиф томонлари.

8-Модул. Маркетинг режаси

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маркетинг режаси бўлимининг аҳамияти. Замонавий маркетингни ташкил қилиш ва уни комплекс ўрганиш. Маркетингнинг таҳлилий функцияси. Маркетингнинг бошқарув ва назорат функцияси. Маркетинг стратегияси. Товар сиёсати. Баҳо (нарх) сиёсати. Сотиш сиёсати. Коммуникатив (ахборот алмашинуви) сиёсати. Маркетинг бюджети. Оммавий маркетинг. Дифференциал маркетинг. Йўналтирилган маркетинг. Ассортимент сиёсати. Янги маҳсулотни яратиш. Маҳсулот сифати соҳасидағи қорхона стратегияси. Дизайн стратегияси. Товарнинг бозор атрибутлари (белгилари). Сервис хизматини ташкил этиш стратегияси. Бозорни ва сотувни тадқиқ қилиш.

Бозор сизимини баҳолаш. Бозорни сегментлаш. Бозор ўзгаришлари ва ривожланиш тенденциялари таҳлили, хусусан, иқтисодий, фан-техника, демографик, экологик, қонунчилик ва бошқа омилларни таҳлил қилиш. Бозор тузилмасини ўрганиш. Сотув ҳажмини башорат қилиш. Корхонанинг баҳо стратегияси. Баҳонинг шакллантириш усулини танлаш. Корхонанинг баҳо тактикаси. Баҳони бозор сугуртаси (кафолати) ни таъминлаш. Фирма стили. Маркетинг коммуникациялари комплекси: реклама, сотувни рағбатлантириш, шахсан сотиш, жамоатчилик билан ишлаш, тўғридан-тўғри маркетинг, спонсоринг, маҳсулот-плейсмент, брэндинг.

9-Модул. Ишлаб чиқариш режаси

Иқтисодийтни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш режасининг мазмуни, мақсади ва вазифалари. Ишлаб чиқариш дастури. Ишлаб чиқариш технологияси. Ишлаб чиқариш кооперацияси. Ишлаб чиқариш жараёни назорати. Атроф муҳит муҳофазаси тизими. Харажатлар башорати. Ишлаб чиқариш режасининг кўрсаткичлар тизими. Ялпи маҳсулот, товар маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажми. Ишлаб чиқариш режасини ишлаб чиқариш қувватлари билан таъминланиши. Ишлаб чиқариш режасининг ресурслар билан таъминланганлиги. Ресурслардан фойдаланишни баҳолаш. Ишлаб чиқаришда ресурсларга талабни аниқлашнинг норматив, статистик ва эмпирик усуллари. Киришдаги, чиқишдаги, ўртача йиллик ва лойиха қуввати. Моддий захираларни аниқлаш. Айланма маблағлар таркиби, айланиши ва кўрсаткичлари. Айланма маблағларга бўлган эҳтиёж.

10-Модул. Ташкилий режа ва менежмент

Ташкилий режанинг мазмуни, мақсади ва вазифалари. Корхонанинг кадрлар сиёсати. Ташкилий тузилма. Кадрлар салоҳияти. Кадрлар малакаси ва касбий кўникмаларининг даражаси. Ташкилий режанинг менежментга бўлган талаблари. Бошқарув командаси. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш. Персонални бошқариш. Бизнес-режанинг ишбилармонлик жадвали. Бошқарувни ташкил этиш. Ходимларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Бизнес-режани амалга ошириш бўйича корхонадаги бўлимларнинг ўзаро ҳаракатини ташкил этиш ва тартибга солиш. Бошқаришни ташкил этиш.

11-Модул. Корхонанинг молиявий режаси

Ислохотларни чуқурлаштириш шароитида молиявий режанинг аҳамияти, мазмуни ва асосий бўлимлари. Маҳсулот сотиш ҳажмини башоратлаш. Даромад ва харажатлар баланси. Актив ва пассивлар баланси. Молиявий режа сифатига таъсир этувчи омиллар. Молиявий режани ишлаб чиқиш муддати ва давомийлиги. Ишлаб чиқариш харажатлари, солиқ ва тўловлар. Корхона фаолиятининг молиявий натижалари. Корхонанинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари. Корхонада фойдани шакллантириш ва тақсимлаш. Молиялаш стратегияси. Корхонани зарарсиз ишлаши. Корхона салоҳияти. Пул оқимларини ўзлаштириш.

12-Модул. Бизнес-режа самарадорлигини баҳолаш

Бўлимнинг аҳамияти ва асосий қисмлари. Вақт бўйича пул қийматини ҳисобга олиш. Пулнинг истеъмол ва реал қийматини ҳисоблаш. Самарадорликни баҳолаш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услублари. Инфляцияни баҳолаш. Дисконтлаш ставкаси. Дисконтлаш коэффициенти. Реал инвестициялар самарадорлигини баҳолаш тамойиллари. Соф келтирилган

(дисконтланган) даромад. Даромадлилиқ индекси. Ички даромадлилиқ нормаси. Харажатларнинг қопланиш даври.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

1. Бозор иқтисоди ва бизнес.
2. Ислохотларни чуқурлаштириш шароитида режалаштириш ва башоратлаш.
3. Иқтисодийetni модернизациялаш шароитида корхона фаолиятида бизнес-режалаштириш.
4. Корхонанинг бизнес-режаси.
5. Бизнес-режанинг асосланганлиги ва ишончлилиги.
6. Корхона тавсифи.
7. Корхона маҳсулотини тавсифлаш.
8. Маркетинг режаси.
9. Ишлаб чиқариш режаси.
10. Ташкилий режа ва менежмент.
11. Корхонанинг молиявий режаси.
12. Бизнес-режа самарадорлигини баҳолаш.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Курс ишида талабанинг олий ўқув юртида таҳсил олиши давомида тўплаган назарий ва амалий билимлари юзага чиқади, талабанинг назарий билимлар билан қуролланиш даражаси, малака ва кўникмаси илмий-ишлаб чиқариш вазифаларини ечишга қай даражада қўллай олиши орқали намоён бўлади.

Курс ишлари муваффақиятини аниқлайдиган муҳим ва масъулиятли вазифалардан бири – тадқиқот мавзусини танлашдир. Мавзуларга қўйиладиган умумий талаб–уларнинг долзарблиги, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва муаммолари билан боғлиқлигидир. Улар ҳозирги замон талаблари ва саноат тармоқлари ривожланиш тенденциялари истиқболларидан келиб чиқиши зарур.

Курс ишини бажариш куйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Курс иши мавзусини танлаш. Курс ишлари муваффақиятини аниқлайдиган муҳим ва масъулиятли вазифалардан бири – тадқиқот мавзусини танлашдир. Мавзуларга қўйиладиган умумий талаб–уларнинг долзарблиги, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва муаммолари билан боғлиқлигидир. Улар ҳозирги замон талаблари ва мамлакат иқтисодийетининг ривожланиш тенденциялари истиқболларидан келиб чиқиши зарур.

2. Мавзуга доир библиография, меъёрий ва қонуний ҳужжатлар ҳамда йўриқномалар йиғиш.

3. Курс иши режасини тузиш.
4. Курс ишига рахбарлик қилувчи профессор-ўқитувчи билан ишлаб чиқилган режани келишиш.
5. Курс ишини белгиланган талабларга мос равишда расмийлаштириш.
6. Курс ишини ҳимояга тайёрлаш.

Курс ишининг намунавий мавзулари

1. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тизимида бизнес режанинг ўрни.
2. Корхона бизнес режасини амалга ошириш фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни ўрганиш усуллари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятлари сафарбар этиш, ўзини оқланган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” номли маърузаларидан келиб чиққан ҳолда, фаннинг мақсади ва вазифаси.
4. 2015-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Қарори ва “Обод турмуш йили” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар.
5. Бозор иқтисоди ва бизнес.
6. Ислохотларни чуқурлаштириш шароитида режалаштириш ва башоратлаш.
7. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона фаолиятида бизнес-режалаштириш.
8. Корхонанинг бизнес-режаси.
9. Бизнес-режанинг асосланганлиги ва ишончилиги.
10. Корхона тавсифи.
11. Корхона маҳсулотини тавсифлаш.
12. Маркетинг режаси.
13. Ишлаб чиқариш режаси.
14. Ташкилий режа ва менежмент.
15. Корхонанинг молиявий режаси.
16. Бизнес-режа самарадорлигини баҳолаш.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади - ўқитувчининг рахбарлиги ва назоратида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва қўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш. Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат, тақдимот) тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;

- махсус адабиётлар бўйича фаннинг бўлим ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабаларнинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фаннинг бўлим ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини мустақил бажара олиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотларини ўзлаштириш;
- илмий мақола, тезислар, турли илмий анжуманларга маъруза тайёрлаш ва ҳ.к.

Мустақил ишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятли масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, кейс-стадилар ечиш услуби ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Корхона фаолиятини режалаштириш ва башоратлаш.
2. Корхона фаолиятида бизнес-режалаштиришнинг ўрни ва уни тузиш тартиби.
3. Корхонанинг бизнес-режаси ва унинг таркиби.
4. Бизнес-режанинг асосланганлиги ва ишончлилиги.
5. Корхона тавсифи.
6. Корхона маҳсулотини тавсифлаш.
7. Маркетинг режаси.
8. Ишлаб чиқариш режаси.
9. Ташкилий режа ва менежмент.
10. Корхонанинг молиявий режаси.

Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий илғор интерфаол усулларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг презентация (такдимот), мультимедиа ва электро-дидактик технологиялардан фойдаланилади. Амалий машғулотларда ақлий хужум, кластер, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, такдимот, кейс-стади каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Maxmudov E.X., Isoqov M.Yu. Biznes - rejalashtirish. O'quv qo'llanma. –Т.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. – 160 bet.
2. Исаков М.Ю. «Бизнес-режалаштириш» фани бўйича таълим технологияси / «Иқтисодий таълимда ўқитиш технологияси» сериясидан. -Т.: ТДИУ, 2007– 60 бет.
3. Исаков М.Ю., Ядгаров А.А. “Бизнес-режалаштириш” фани бўйича ўқув-услубий мажмуа – Т.: ТДИУ, 2010. 220 бет.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ракобат тўғрисида»ги Қонуни. www.Lex.uz
2. Бринк И.Ю., Савельева Н.А. Бизнес-план предприятия. Теория и практика / Серия «Учебники и учебны пособия» - Ростов н/Д.: Феникс, 2008.-384 стр.
3. Горемыкин В.А. Энциклопедия бизнес-планов: методика разработки. 75 реальных образцов бизнес-планов. – 2-е изд. Учебной пособие. М.: 2008. – 1120 стр.
4. Попов В.М. Сборник бизнес-планов: С рекомендациями: учебно - методическое пособие / Учебной пособие - М.: КНОРУС, 2008. – 336 стр.
5. Патсула П.Дж. Бизнес-план за 30 дней: Пошаговое руководство по успешному бизнес - планированию и началу собственного дела. Учебной пособие. – М.: Эксмо, 2009. – 512 стр.

Интернет сайтлари

1. www.economics.ru
2. www.ved.ru
3. www.ser.uz
4. www.uza.uz
4. www.ifmr.uz
5. www.Lex.uz
6. www.ziyonet.uz
7. www.marketing.ru
8. www.brand.uz